



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 148 (12.709)

Баҳоси эркин нарҳда



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

Мустақиллигимизнинг 23 йиллик шодиёнаси шукуҳи бутун республикамиздаги каби пойтахтимизнинг ҳар бир гўшасида кезмоқда.

Жойларда ўтказилаётган байрам тадбирлари юрдошларимиз қалбида Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларнинг дебочаси куни кеча Истиқлолимизнинг 23 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, сеvgи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида бўлиб ўтди.

Олмазор туман ҳокимлиги ва шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, иқтисодий талаба-ўқувчилар тақдир этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг бунёдкорлик ишлари, жумладан, халқ таълими тизимидаги ислохотлар, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар

тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазибаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида баҳариланган ишлар, қолаверса, ўқувчи-ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда самарали йўтуқларга эришаётганлигимиз, ёшларимизнинг нафақат юртимизда, балки халқон майдонларида ҳам Ўзбекистон номини юксакларга кўтарётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

— Бугунги тадбир Ўзбекистон ёшларининг қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди, — дейди Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети 2-босқич магистратура талабаси, Ўзбекистон Президенти давлат стипендияси соҳибаси Наврўза Яхёева. — Бугунги кунда ёшларнинг орзу-ниятларининг рўйга чиқиши учун давлатимиз раҳбари томонидан зарур барча шароит яратиб берилган. Берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, масъулиятни оқлаш барчамизнинг вазифамиздир.

Тадбир давомида Халқ таълими бош бошқармаси томонидан баркамол авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда эришган муваффақиятлари ҳамда ўз ташкилотининг моддий-техник базасини яхшилаш ва ободонлаштириш ишларини намунали ташкил этганлиги учун турли таълим муассасалари раҳбарлари тақдирланди. Ана шундай муассаса раҳбарларидан бирини сўхбатга қорлади.

(Давоми 4-бетда)

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида

ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИГА — МУҲИМ ЭЪТИБОР

Сессияни шаҳар Кенгаши раиси Р.Усмонов олиб борди.

Унда «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг бажарилиши ҳамда Тошкент шаҳрини 2014 йил биринчи ярим йилликда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йил иккинчи ярим йилликда ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир вазибалар, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2014 йил биринчи ярим йиллик якунлари бўйича ижроси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бош бошқармасининг ҳисоботлари муҳокама этилди.

Таъкидлаш керакики, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида шаҳарда иқтисодиётни ўсти-

Аввал хабар қилинганидек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўттиз еттинчи сессияси бўлиб ўтди.

ришнинг юқори ва барқарор суръатларини сақлаб қолиш, макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш чора-тадбирларини узвий амалга ошириб бориш белгиланган.

Шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантиришни таъминлаш, мав-

жуд қувватларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнини жадаллаштириш, sanoat кооперацияси асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ҳисобига шаҳар иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ишларининг қатъий назоратга олиниши қайд этилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи бир неча асрларга бориб тақалади. Буюк Ипак йўли алоқалари, Шарқ маданияти ва адабиёти, Бобур ва бобурийлар мероси халқларимизни узвий боғлаб туради.

ДЕВИНДЕР КУМАР ШАРМА: ЎЗБЕКИСТОН ТИНЧЛИКСЕВАР ТАШҚИ СИЁСАТИ ВА ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТИ БИЛАН ДУНЁ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТМОҚДА

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги қадимий ришталар янада мустаҳкамланиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро ишонч ва тенглик, манфаатдорлик руҳида изчил ривожланмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Муваққат ишлари вакили Девиндер Кумар ШАРМА ЎзА мухбири билан сўхбатда шулар ҳақидаги фикрларини баён этди.

— Ҳиндистон жадал тараққий этаётган Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Икки давлат раҳбарларининг мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлари ўзаро алоқалар ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2011 йилнинг май ойидаги Ҳиндистонга давлат ташрифи асносида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилди. 2013 йилнинг май ойида Ҳиндистон Республикаси вице-президенти Хамид Ансорининг Ўзбекистонга расмий ташрифи ўзаро алоқаларга янги суръат бағишлади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ахборот технологиялари, тоғ-кон sanoati, энергетика, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика соҳаларида самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқлар торттишининг олдини олишга оид битимлар имзоланган, ўзаро савдода энг кўп қулайлик яратиб тартиб жорий қилинган. Ўзбекистонда хорижий сармоядорларнинг иш юритиши учун яратилган сармоявий муҳит, улкан имтиёз ва имкониятларга Ҳиндистонлик ишбилармонларнинг қизиқиши катта. Мамлакатингизда Ҳинд сармоядорлари иштирокида тузилган кўплаб кўшма корхоналар муваффақиятли фаолият кўрсатаётди. Йирик иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши юртининг иқтисодий тараққиётида муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳудудлар салоҳиятли хорижий сармоядорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ишбилармонларимиз ўзаро манфаатли кўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг халқаро ва минтақавий масалаларга оид қарашлари ўхшаш ва яқин. Мамлакатларимиз терроризмга қатъий қарши туриб, минтақада барқарорликни мустаҳкамлашга ўзининг фаол ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон тинчликсевар ташқи сиёсати ва юксак тараққиёти билан дунё эътиборини тортмоқда. Президент Ислоҳ Каримовнинг турли минтақаларда юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш борасидаги ёндашувлари, амалий сайё-ҳаракатлари таҳсинга сазовор.

Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни диверсификация қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва инфратузилмани такомиллаштиришга қаратилган улкан эътибор Ўзбекистоннинг юксак суръатларда тараққий этишига хизмат қилаётди. Ўзбекистон тарихан қисқа даврда асосан пахта хомашёси етказиб беришга мослашган республикадан замонавий sanoat тармоғи ривожланган, жадал тараққий этаётган давлатга айланди. Бунинг сўнгги йилларда мамлакатингизда ялпи ички маҳсулётнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмадан келаётгани яққол тасдиқлаб турибди.

Бугунги мураккаб иқтисодий вазиятда бу катта натижа эканини алоҳида эътироф этишни истардим. Бу Ўзбекистон танлаган ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — «Ўзбек модели» самарасидир. Ушбу машҳур модель бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида Ўзбекистон тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

Мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий кутловлар келмоқда.

• Қашқадарё вилояти фаоллари йиғилишида жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазибалари муҳокама қилинди.

• Нукусда тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, бозор муносабатларини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Навоий шаҳрида замонавий Санъат галереяси иш бошлади. Қурилишига 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган ушбу янги муассасада ёш санъатсеварлар учун барча имкониятлар яратилган. Бу ерда навоийлик истеъдодли ижодкор ёшларнинг шахсий кўргазмаларини ташкил этиш режалаштирилган.

• Термиз шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва умумтаълим мактабларидаги бошланғич ташкилоти етакчилари учун ўқув семинари ташкил этилди.

• Самарқандда маҳалла ёшлари ўртасида «Футболимиз келажиги» республика мусобақаларининг минтақавий босқичи ўтказилди. Унда Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари маҳаллалари ёшлари ғолиблик учун майдонга тушди.

• Гулистон шаҳрида супермаркет, кафе ва замонавий аттракционларни ўз ичига олган янги мажмуа фойдаланишга топширилди. «Имон-инсоф-барака» масъулияти чекланган жамияти сайё-ҳаракати билан бунёд этилган ушбу мажмуа қурилишига Халқ банки томонидан 180 миллион сўм кредит ажратилди.

ЖАҲОНДА

• Номаълум қуролланган гуруҳ томонидан Гана давлати қирғоқларида Сингапур давлатига тегишли бўлган ва Африканинг гарбий соҳилларидан нефть ташиётган юк кемаси гаровга олинди. Кемада 20 нафар экипаж аъзоси бўлган. Ҳозирда гаровга олинганларни озод қилиш чоралари қўрилмоқда.

• Москвада ҳавонинг жуда қизиб кетиши боис Домодедово аэропортида қўниш-учиш йўлидаги қопламанинг айрим қисмлари эриб кетиши натижасида кеча Москва — Новосибирск рейсининг парвози олти соатга кечиктирилди.

• Гвинеяда Instinct Killers маҳаллий ансамблининг концерти чоғида рўй берган тўс-тўполон натижасида 24 киши ҳаётдан кўз юмди.

• УЕФА президенти Мишель Platини «Мундиаль» иштирокчилари сонини келгусида қирқтага етказиш тақдирини берган бўлсада, ФИФА раҳбари Йозеф Блаттер жаҳон чемпионатида иштирок этадиган терма жамоалар сони бундан кейин ҳам ўзгармасдан ўттиз иккиталигича қолишини қайд этди. Унинг таъкидлашича, жамоалар сонининг оширилиши чемпионатда кучсиз командаларнинг кўпайишига олиб келиши мумкин.

